

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (17)

ISSN-3030-3761



**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР**  
Илмий журнали

**ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**  
Научный журнал

**HISTORICAL RESEARCHES**  
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
*тарих фанлари доктори, профессор*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Бош муҳаррир ўринбосори:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief editor:

**Шакиров Иляс Рахимзянович**  
*т.ф.ф.д., (PhD)*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ  
EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор, Академик  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Сулейманов Рустам Хамидович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Муминов Алишер Гаффарович**  
Сиёсий фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Зуев Андрей Сергеевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Новосибирск Давлат университети*  
**Ишанхуджаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Габриэльян Софья Ивановна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Убайдуллаева Барно Машрабжоновна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Очилдиев Файзулла Бобоқулович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Азизов Илдар Рафаэлевич**  
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент  
*Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби*

**Гаффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Самарқанд давлат университети*  
**Сиддиқов Равшан Бердимуратович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Тухтабеков Қозимбек Азимбекович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Бабабеков Акбар Давурбаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Баҳранов Шерзод Таштурсунович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Жамоат ҳафсизлиги университети*  
**Алиазарова Дилдора Валишеровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Навоий Давлат педагогика институти*  
**Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Абдулаева Нигора Санжаровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Америка технологиялар университети*  
**Тоғаев Жасур Эркинович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Усаров Умид Абдумавлянович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Эшқувватов Бобир Валикул ўғли**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Контакт редакции журнала  
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,  
Исторический факультет  
Национального Университета  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Web: <https://hstryres.uz/journal/>  
E-mail: [I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal  
Tashkent city, street of Mirzo Golib,  
Faculty of history of the National  
university of Uzbekistan named after  
Mirzo Ulugbek  
Web: <https://hstryres.uz/journal/>  
E-mail: [I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Phone: +998900382203

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|    |                                                                                                                                                                                                                                   |    |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1  | <b>Sirojov Bahodir Nishon o'g'li</b><br>THE SPECIFIC FEATURES OF THE MONETARY REFORM IMPLEMENTED BY ABDULLAH KHAN II                                                                                                              | 4  |
| 2  | <b>Суярова Феруза Собир кизи</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ<br>ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ                                                                                     | 9  |
| 3  | <b>Тухтабеков Козимбек Азимбекович</b><br>ШАЙБОНИЙХОН ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: САМАРҚАНДДАГИ МУҲАММАД<br>ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ (МАДРАСА-ЙИ ОЛИЯ) ТАРИХИ                                                                                | 17 |
| 4  | <b>Тухтабеков Козимбек Азимбекович</b><br>ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАЗАРИЙ-<br>МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ                                                                                                             | 27 |
| 5  | <b>Узаков Бахром Нигматович</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ҚАШҚАДАРЁДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН<br>ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ                                                                                     | 36 |
| 6  | <b>Xayitov Zafar Uzakovich</b><br>MENANDRNING “TARIX” ASARI ILK VIZANTIYA DIPLOMATIYASI BO‘YICHA<br>MANBA SIFATIDA                                                                                                                | 45 |
| 7  | <b>Shaydullayeva Guljahon Shapulatovna., Rahmonqulova Zumrad Boyxurazovna</b><br>OKSNING ENEOLIT VA BRONZA DAVRI TABIIY SHAROITI VA IQLIM<br>O‘ZGARISHLARI                                                                        | 53 |
| 8  | <b>Шакиров Ильяс Рахимзянович</b><br>ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВЬЕТНАМСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ:<br>ОТ КИТАЙСКОГО ВЛИЯНИЯ ДО НЕЗАВИСИМОСТИ                                                                                          | 61 |
| 9  | <b>Eralov Azamat Jomurodovich</b><br>O‘ZBEKISTON TURIZMINI RIVOJLANISHIDA BUXORO ETNOTURIZMINING<br>AHAMIYATI                                                                                                                     | 68 |
| 10 | <b>Эргашева Юлдуз Алимовна</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ<br>ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ<br>ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ                                                            | 74 |
| 11 | <b>Eshtemirov Jasurbek Suyunkulovich</b><br>INTRODUCTION OF NEW RULES AND CHANGES IN THE ADMINISTRATIVE AND<br>POLITICAL MANAGEMENT OF THE CITY OF KARSHI UNDER THE<br>SUBORDINATION OF THE BUKHARA EMIRATE TO THE RUSSIAN EMPIRE | 81 |
| 12 | <b>Эштемиров Жасурбек Суюнкулович</b><br>ПОРЯДОК СБОРА НАЛОГОВ И ПОДАТЕЙ В ГОРОДЕ КАРШИ В ПОСЛЕДНИЙ<br>ПЕРИОД СУЩЕСТВОВАНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (1900–1920 ГГ.)                                                                    | 88 |
| 13 | <b>Эшқувватов Бобир Валикул ўғли</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХРИСТИАН<br>КОНФЕССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ<br>БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ                                             | 97 |

**Суярова Ф. С.**

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Қарши давлат университети

[suyarovafl3@gmail.com](mailto:suyarovafl3@gmail.com)

## **ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалий санъат ва хунармандчиликни тиклаш, сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг шаклланиши тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Тадқиқотда “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, миллий хунар мактабларини қайта тиклаш, номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, уста-шогирд анъаналарини ривожлантириш ҳамда хунармандчиликни бандлик, туризм ва таълим билан боғлашга оид меъёрий ҳужжатлар мазмунини очиқ берилган. Муаллиф 1990-йилларда соҳани институционал ташкил этиш жараёни бошлангани, 2000-йилларда маданий меросни муҳофаза қилиш ҳуқуқий тизими мустақамлангани, 2017 йилдан кейин эса хунармандчиликни молиявий, солиқ, ташкилий ва таълимий рағбатлантириш янги босқичга кўтарилганини асослайди.

**Калит сўзлар:** амалий санъат, хунармандчилик, ҳуқуқий асос, “Хунарманд” уюшмаси, номоддий маданий мерос, уста-шогирд анъанаси, миллий хунар мактаблари, маданий сиёсат.

### **КИРИШ**

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик маданий тараққиётида амалий санъат ва хунармандчилик алоҳида ўрин тутди. Кулоллик, каштачилик, зардўзлик, мисгарлик, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, заргарлик, ипакчилик, маточилик ва бошқа анъанавий хунар турлари халқнинг турмуш тарзи, эстетик диди, меҳнат маданияти ва тарихий хотирасини ўзида мужассам этган. Бу соҳалар асрлар давомида нафақат маиший эҳтиёжларни қондирган, балки шаҳар ва қишлоқ маданияти, савдо алоқалари, оилавий касб анъаналари ҳамда миллий бадиий тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилган.

Совет даврида амалий санъат ва хунармандчиликнинг айрим йўналишлари саноатлаштирилган ишлаб чиқариш талабларига мослаштирилди, хусусий устахоналар, оилавий хунар мактаблари ва уста-шогирд муносабатларининг табиий ривожланиш имкониятлари чекланди. Мустақилликдан кейин миллий меросга муносабат тубдан ўзгариб, хунармандчиликни тиклаш, амалий санъат мактабларини қўллаб-қувватлаш ва уларни замонавий иқтисодий жараёнларга қўшиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, амалий санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида маданий меросни асраш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, туризм салоҳиятини ошириш ва миллий маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш билан боғлиқ. Мақоланинг мақсади мустақиллик йилларида мазкур соҳани тиклаш ва ривожлантиришга хизмат қилган ҳуқуқий-меъёрий асосларни тарихий босқичлар кесимида таҳлил қилишдан иборат.

Мақола мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, соҳавий дастурлар ҳамда илмий адабиётларни тарихий-таҳлилий ўрганиш асосида тайёрланди. Асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг маданий меросни муҳофаза қилишга оид қонунчилиги, “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, ҳунармандчилик ва номоддий маданий меросга оид давлат дастурлари жалб этилди.

Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, норматив-ҳуқуқий таҳлил ва манбавий таҳлил усулларида фойдаланилди. Тарихийлик усули ҳуқуқий асосларнинг босқичма-босқич шаклланишини кўрсатишга, қиёсий таҳлил эса 1990-йиллар, 2000-йиллар ва 2017 йилдан кейинги даврдаги сиёсий-ҳуқуқий ёндашувларни таққослашга хизмат қилди.

### ***ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ***

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин миллий маданиятни тиклаш ва тарихий кадриятларни қайта баҳолаш жараёнида ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврда амалий санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари аввало ташкилий-институционал тизим яратиш орқали шаклланди. Мустақилликнинг илк йилларида миллий давлатчилик ғояси, тарихий хотирани тиклаш ва халқ ижодиётига эҳтиром муносабати ҳунармандчилик сиёсатининг маънавий пойдеворини ташкил этди.

1997 йил 31 мартдаги Президент фармони ва уни амалга оширишга қаратилган қарорлар асосида халқ ҳунармандларининг Республика “Ҳунарманд” уюшмаси фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди [1; 2]. Уюшманинг ташкил этилиши ҳунармандлар манфаатларини ифода этиш, миллий ҳунар турларини тиклаш, маҳсулотларни тарғиб қилиш, усталарни бирлаштириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди.

Амалий санъат ва ҳунармандчиликнинг тикланиши маданий меросни муҳофаза қилишга оид қонунчилик билан бевосита боғлиқ. 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон халқининг маданий меросини умуммиллий бойлик сифатида белгилаб, уни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга етказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади [3].

Ушбу қонуннинг аҳамияти шундаки, унда маданий меросга муносабат фақат меъморий ёдгорликларни сақлаш доирасида эмас, балки халқ ижодиёти, тарихий анъаналар, номоддий мерос ва уларни тикловчи шахслар

фаолияти билан боғлиқ ҳолда қаралади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишдаги ваколатлари белгиланиши ҳудудий амалий санъат мактабларини қўллаб-қувватлаш учун ҳам ҳуқуқий асос яратди.

2010 йил 7 октябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури” тасдиқланди [4]. Бу дастур номоддий меросни музей ёки архив объектлари сифатида эмас, балки жонли ижодий жараён, авлоддан авлодга ўтадиган билим ва кўникмалар тизими сифатида муҳофаза қилиш зарурлигини кўрсатди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳунармандчилик ва амалий санъатни ривожлантириш сиёсати янги босқичга кўтарилди. Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон Фармони ушбу соҳадаги ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди [5].

Фармонда ҳунармандчилик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятларини кенгайтириш, солиқ ва ижтимоий тўловлар бўйича енгилликлар бериш, айниқса қишлоқ жойларда ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳунармандчиликни маданий қадрият сифатида сақлаш билан бирга, аҳоли даромадини ошириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилувчи соҳа сифатида ривожлантириш имконини берди.

Шу куни қабул қилинган “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3393-сон қарор уюшманинг ташкилий тузилмаси ва вазифаларини такомиллаштиришга қаратилди [6]. Ҳужжатда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг анъанавий турларини сақлаш, қайта тиклаш, маҳсулотлар рақобатдошлиги ва сифатини ошириш уюшманинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

2019 йил 28 ноябрда қабул қилинган ПҚ–4539-сон қарор ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаб берди [7]. Унда соҳани ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва маънавий-маърифий йўналишлари комплекс тарзда қамраб олинди. Айниқса, ҳунармандчиликка ихтисослашган ҳудудларда халқ амалий санъати бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ва касбга ўқитиш марказларида ҳунар ўргатиш ишларини йўлга қўйиш белгиланди.

Бу ёндашувнинг тарихий аҳамияти шундаки, уста-шогирд анъанаси замонавий таълим муассасалари билан уйғунлаштирилди. Натижада ҳунармандчилик фақат оилавий ёки маҳаллий муҳитда сақланадиган касб эмас, балки ёшлар таълими, касбий тайёргарлик ва ижтимоий бандлик дастурларининг таркибий қисмига айланди.

Ҳунармандчилик ва амалий санъат туризм соҳаси билан ҳам узвий боғлиқ. Туристик марказлар, тарихий шаҳарлар ва маданий мерос объектлари атрофида ҳунармандчилик маҳсулотларини намоиш этиш, сотиш ва тарғиб

қилиш миллий брендни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу жihatдан ҳуқуқий ҳужжатларда кўргазма заллари, ярмаркалар, фестиваллар, экспорт ва халқаро тадбирларда иштирок этиш масалаларига эътибор қаратилиши бежиз эмас.

2021 йил 23 мартда қабул қилинган “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5033-сон қарор амалий санъатнинг алоҳида йўналишларини мақсадли ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди [8]. Кулолчилик Ўзбекистонда энг қадимий амалий санъат турларидан бўлиб, Риштон, Ғиждувон, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа ҳудудларда ўзига хос мактабларга эга.

Мазкур қарор анъанавий кулолчиликни сақлаш, усталарни қўллаб-қувватлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантиришга хизмат қилди. Бу ҳужжат орқали амалий санъатга умумий ёндашувдан ташқари, ҳар бир ҳунар турининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги намоён бўлди.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, маданий меросни асраш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим йўналишлар сифатида белгиланди [9]. Ҳунармандчилик ана шу вазифалар билан бевосита боғлиқ бўлиб, айниқса хотин-қизлар, ёшлар, қишлоқ аҳолиси ва оилавий тадбиркорлик субъектлари учун даромад манбаига айланиши билан аҳамиятлидир.

2023 йил 12 июндаги ПФ–91-сон Фармонда аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш вазифалари белгиланди [10]. Ушбу ҳужжатда ҳудудларда ҳунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш, айниқса йўқолиб кетаётган ҳунар турларини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш масалалари муҳим ўрин тутди.

2023 йил 25 декабрда қабул қилинган ПҚ–405-сон қарор номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантиришга қаратилди [11]. Мазкур ҳужжат маданият ва таълим ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, номоддий меросни илмий асосда ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш зарурлигини белгилади.

Ўзбекистонда амалий санъат ва ҳунармандчиликни тиклаш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари бир неча босқичда шаклланди. Биринчи босқич – 1990-йиллар – миллий қадриятларни тиклаш ва ҳунармандларни уюшган тарзда бирлаштириш даври бўлди. Иккинчи босқич – 2000-йиллар – маданий мерос ва номоддий меросни муҳофаза қилишга оид қонунчиликнинг мустаҳкамланиши билан тавсифланади. Учинчи босқич – 2017 йилдан кейинги давр – ҳунармандчиликни иқтисодий, ижтимоий, таълимий ва экспорт салоҳиятига эга соҳа сифатида комплекс қўллаб-қувватлаш даври ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунан бир-бирини тўлдиради. Маданий меросга оид қонунчилик ҳунармандчиликнинг тарихий-маданий қийматини белгиласа, Президент фармон ва қарорлари унинг иқтисодий ва ташкилий ривожланиш механизмларини белгилайди. Номоддий меросга оид дастурлар эса уста-шогирд анъанаси, маҳаллий мактаблар ва анъанавий билимларни сақлашни таъминлайди.

Бироқ соҳада айрим масалалар янада чуқур илмий ўрганишни талаб қилади. Жумладан, ҳудудлар кесимида ҳунармандлар сонининг ўзгариши, маҳсулот турлари ва экспорт динамикаси, ёшлар ва хотин-қизларнинг соҳадаги улуши, йўқолиб бораётган ҳунар турларининг аниқ рўйхати, уста-шогирд мактабларининг самарадорлиги бўйича махсус статистик ва архив тадқиқотлар зарур.

### **ХУЛОСА**

Ўзбекистонда амалий санъат ва ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустақиллик йилларида босқичма-босқич шаклланди. 1990-йилларда соҳани институционал жиҳатдан ташкил этиш ва “Ҳунарманд” уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этди. 2000-йилларда маданий мерос ва номоддий меросни муҳофаза қилишга оид қонунчилик амалий санъатнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади. 2017 йилдан кейин эса ҳунармандчиликни солиқ, молия, таълим, бандлик, туризм ва экспорт билан боғлиқ ҳолда комплекс ривожлантириш сиёсати амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари қуйидаги илмий хулосаларни илгари суриш имконини беради: биринчидан, амалий санъат ва ҳунармандчилик миллий маданий меросни сақлашнинг муҳим йўналиши сифатида ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилди. Иккинчидан, “Ҳунарманд” уюшмаси фаолияти соҳада давлат ва жамият ўртасидаги институционал кўприк вазифасини бажарди. Учинчидан, 2017 йилдан кейинги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳунармандчиликни анъанавий маданий фаолиятдан замонавий ижтимоий-иқтисодий ресурс даражасига кўтарди. Тўртинчидан, номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга оид қарор ва дастурлар уста-шогирд анъанасини сақлаш, маҳаллий ҳунар мактабларини тиклаш ва ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этди. Бешинчидан, келгусида ҳунармандчиликнинг ҳудудий динамикаси, экспорт имкониятлари, рақамли савдо тизими, таълим билан интеграцияси ва йўқолиб бораётган ҳунар турлари бўйича махсус тарихий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

### **ҲОИДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ–1741-сон Фармони. “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 июндаги 282-сон қарори. “Хунарманд” халқ хунармандлари республика уюшмасини ташкил этиш тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил 30 август, 269–II-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори. “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармони. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ–3393-сон қарори. “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4539-сон қарори. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПҚ–5033-сон қарори. “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ–91-сон Фармони. “Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ–405-сон қарори. “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.

12. Абдуллаев Т.А. Ўзбекистон амалий санъати тарихи. — Тошкент: Фан, 2007.

13. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. — Тошкент: Меҳнат, 1991.

14. Ҳакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. — Ташкент: San’at, 2010.

15. Ремпель Л.И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. — Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1987.

16. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. — Ташкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт, 1972.
17. Юнусова Н. Ўзбекистонда номоддий маданий меросни сақлаш масалалари. — Тошкент: Akademnashr, 2018.
18. UNESCO. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. — Paris, 2003.

**Суярова Ф. С.**

Независимый исследователь кафедры «История Узбекистана»  
Каршинский государственный университет  
[suyarovafl3@gmail.com](mailto:suyarovafl3@gmail.com)

## **НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ВОЗРОЖДЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА И РЕМЕСЛЕННОЧЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

### ***АННОТАЦИЯ***

В статье в историческом аспекте анализируется формирование нормативно-правовых основ возрождения, сохранения и развития прикладного искусства и ремесленничества в Узбекистане в годы независимости. Рассматриваются правовые акты, направленные на совершенствование деятельности ассоциации “Хунарманд”, восстановление национальных ремесленных школ, охрану нематериального культурного наследия, развитие традиции “устоз-шогирд”, а также интеграцию ремесленничества с занятостью, туризмом и образованием. Обосновывается, что после 2017 года поддержка ремесленничества вышла на новый уровень благодаря финансовым, налоговым, организационным и образовательным механизмам.

**Ключевые слова:** прикладное искусство, ремесленничество, правовые основы, ассоциация “Хунарманд”, нематериальное культурное наследие, традиция “устоз-шогирд”, национальные ремесленные школы, культурная политика.

***Suyarova F. S.***

Independent researcher at the department of «History of Uzbekistan»

Karshi State University

[suyarovafl3@gmail.com](mailto:suyarovafl3@gmail.com)

## **LEGAL AND REGULATORY FOUNDATIONS FOR THE REVIVAL AND DEVELOPMENT OF APPLIED ARTS AND HANDICRAFTS IN UZBEKISTAN**

### ***ABSTRACT***

The article analyzes, from a historical perspective, the formation of the legal and regulatory foundations for the revival, preservation and development of applied arts and handicrafts in Uzbekistan during the years of independence. It examines legal acts aimed at improving the activities of the “Hunarmand” Association, restoring national craft schools, safeguarding intangible cultural heritage, developing the master-apprentice tradition, and integrating the sector with employment, tourism and education. The study argues that since 2017 support for handicrafts has reached a new level through financial, tax, organizational and educational mechanisms.

***Keywords:*** applied arts, handicrafts, legal framework, “Hunarmand” Association, intangible cultural heritage, master-apprentice tradition, national craft schools, cultural policy.